Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 15 декабрь, сешанба № 246 (21.344).

КОНСТИТУЦИЯМИЗ — СИЁСИЙ ДОНОЛИК ВА ТАФАККУР ТИМСОЛИ!

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Голландиянинг етти иқлимга машҳур АЕС фирмаси президенти К. Аалберсни қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида И. Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, картошка билан таъминлаш борасида жиддий қийинчиликлар мавжудлиги ва ҳар йили халқ эҳтиёжини қондириш учун хорижий давлатлардан 400 минг тонна картошка сотиб олинаётгани ҳақида гапириб берди. АЕС фирмасининг картошка етиштиришда голландиялик фермерлар тажрибаси ва технологиясини Ўзбекистон шароитида синаб кўраётгани мазкур муаммони ечишда дастлабки ва қутлуғ қадам эканини таъкидлади.



Суҳбат пайти.

И. Каримов ушбу фирма бир йўла Ўзбекистоннинг бир неча жойида картошка етиштиришни тажриба қилиб кўриши, бундан ташқари сут маҳсулотлари етиштириш борасидаги Голландия технологиясини республикамизга олиб келиши мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб мулоҳаза юритди.

К. Аалберс жаноблари ўз навбатида Ўзбекистон халқини мустақилликнинг таянч устунларидан бири — мамлакат Конституцияси қабул қилингани билан табриклади. Президентимизнинг таклифлари жуда ўринли экани, уларни тез орада ўрганиб чиқажагини маълум қилди. АЕС фирмаси президенти И. Каримовдан вужудга келган айрим муаммоларни ҳал этишда ёрдам беришини сўради.

Илтимос қабул қилинди ва музокараларда иштирок этаётган вазирлик ва муассасалар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. 1992 йил 8 декабрга қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, давлат идоралари қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисми ўз кучини сақлаб қолиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Олий Мажлис сайлангунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Олий Мажлисга берилган барча ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги янги Қонун асосида Олий Мажлис сайлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қоладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги Қонун қабул қилиниб, Конституциявий суд сайлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қолади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий ва вилоятларнинг ҳакамлик судлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари деб қайта ташкил этилади.

Барча бўғинлардаги хўжалик судларининг раислари, раис ўринбосарлари, судьялари вазифаларини улар белгиланган тартибда сайлангунга ёки тайинлангунга қадар тегишинча аввал сайланган ёки тайинланган ҳакамлик судларининг раислари, раис ўринбосарлари ва ҳакамлари бажарадилар.

4. Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик, ижроия ва бошқарув органлари ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингунга қадар чиқарилган қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисмига асосан амалга оширадилар.

5. Судлар, прокуратура органлари ва давлатнинг бошқа органлари ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингунга қадар чиқарилган қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисмига асосан амалга оширадилар.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг янги судьялари Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган Конституциясида белгиланган тартибга асосан тайинланадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлаштиришга доир ишларни ташкил этиш тартибини белгиласин. Конституцияда назарда тутилган барча қонунлар келгуси икки йилдан кечиктирмай қабул қилиниши керак. Олий Кенгаш Раёсати 1993 йил мобайнида Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрласин ва уни умумхалқ муҳокамасига киритсин.

7. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодексининг 77-моддаси «1 сентябрь — Мустақиллик куни» деган сўзлардан кейин «8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни) 1992 йил 8 декабрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг матнини ички саҳифаларда ўқийсиз).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Мисрдаги «Ал-Аҳром» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 15 декабрь куни Миср Араб Республикасига бошланадиган давлат ташрифи муносабати билан Мисрда чиқадиган «Ал-Аҳром» газетасининг мухбири унга мурожаат этиб, бир неча саволга жавоб қайтаришни илтимос қилди:

Савол:

— Ўзбекистон собиқ СССР таркибида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва қурилиш соҳасида Россия, Белоруссия ва Украинадан кейин муносиб ўрин олар эди. Ўзбекистон Ўрта Осиёдаги муҳим ва асосий марказ ҳам эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон шу фазилатларидан маҳрум бўлиб қолгани йўқми?

Жавоб:

— Ўзбекистонда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш соҳасида бошланган йўл тўғрилигини турмуш ишончли равишда исботлаганини ҳозир аниқ равшан қайд этса бўлади. Бу йўлнинг моҳияти шундан иборатки, бозор тоифасидаги маърифий, халқчил жамият аста-секин ривожланиш йўлидан шакллантирилиб, сохта инқилобий сакрашларга ва кенг аҳоли табақалари учун салбий ижтимоий оқибатларга йўл қўйилмаётир. Сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолган ҳолда бозор моделига ўтилмоқда.

Халқаро савдо-саноат ва сиёсат доиралари Ўзбекистоннинг келажаги яхшилигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар. Мен таъкидлаб ўтган омиллар шундай шароитни яратиб бердики, унда мамлакатимиз МДҲ мамлакатлари орасидаги юқори ўрнини сақлаб қолиш билан бирга кўп соҳаларда анча юқори поғонага ҳам кўтарилмоқда.

Савол:

— Ўзбекистон Республикасининг араблар дунёси ва айниқса, Миср билан, жумладан, иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий, маданий, диний ва бошқа соҳаларда азалдан тарихий алоқалари мавжуд. Миср — Ўзбекистон муносабатларининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

Жавоб:

— Совет Иттифоқи парчаланишидан илгари Ўзбекистоннинг Миср билан сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ ва бошқа соҳалардаги алоқалари Совет — Миср муносабатлари доирасига асосланар эди. Асвон ва Хелвон мажмуалари каби азим иншоотлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги иншоотлари қурилишда бир талай ўзбек мутахассислари қатнашган эдилар.

Энди икки ўртада бевосита алоқа ўрнатиш учун кенг имкониятлар очилди. Миср Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олган дастлабки мамлакатлардан бири бўлди.

Шу йилнинг бошларида республикага Бош вазирнинг ўринбосари ва режалаштириш вазири, доктор Ал-Ганзурий бошчилигидаги Миср расмий делегацияси келиб кетди. Делегация билан бирга келган мисрлик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг тегишли давлат ташкилотлари ва ишбилармонлик тузилмалари билан музокара ўтказишди.

Шу йилнинг май ойида халқ таълими вазири, доктор Х. К. Боховуддин бошчилигидаги бошқа бир расмий делегация Ўзбекистонда бўлди. Халқ таълими соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида битим имзоланди. Ҳа, дарвоқе, кейинги йилларда мисрликлардан 111 киши Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълим олди, улардан 73 кишига фан номзоди илмий даражаси берилди.

Жорий йилнинг сентябрида Ўзбекистонга келиб кетган диний ишлар вазири, доктор М. А. Махгуб биз Ўзбекистонда динлар хусусидаги сиёсатимизни «Виждон ҳақида қонун»га риоя этиш асосига қураётганимизга ишонч ҳосил қилди. Ўзбекистон аҳолиси эътиқод қилаётган бирон дин камситилмаяпти ва камситишга йўл қўйилмаяпти.

Ниҳоят, бу йил биз Миср Араб Республикасининг Президенти Ҳусний Муборак жаноблари билан бир неча бор мактублар ёзишдик. Бу мактубларда биз иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий, маданий, диний ва бошқа соҳалардаги муносабатларимизни янги поғонага кўтаришга тайёр эканимизни изҳор қилдик.

Бундай алоқалар келгусида ҳам изчил давом этиб, яхши фойда келтиришига ишончим комил.

Савол:

— Совет Иттифоқининг барбод бўлиши, чунончи, Кавказда, Тожикистонда, Молдавияда ва бошқа минтақаларда катта-катта сиёсий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Сиз ва ҳукуматингиз ўтказаётган сиёсат республикада барқарорликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Юқорида тилга олинган муаммоларни ҳал этишда қандай сиёсий воситаларга амал қилмоқдасиз?

Жавоб:

— Мустақилликнинг эълон қилиниши халқимизнинг азалий орзу-умидларини ифодаловчи зўр воқеа эканини жуда равшан англар эдик. Бироқ, шу билан бирга бу ҳали ишнинг ярмиси эканини тушунардик. Шу сабабли биз ортиқча хом хаёлларга берилмай, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда суверенитетни таъминлаш, жамиятда барқарорликка ва фуқароларнинг осойишталигига эришишнинг амалий масаллари билан шуғуллана бошладик.

Бош вазифа — ижтимоий адолат жамиятини қадамбақадам барпо этишдан иборат. Бозор муносабатлари бу жамиятнинг негизи бўлади.

Ҳуқуқсиз республика ҳолатидан ривожланган бозор муносабатларига асосланувчи суверен халқчил давлат мавқеига ўтиш даврида шошма-шошарликка, воқеаларни қисталанг қилишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Кимдир бунга ҳатто «жазавали даволаш» деган атамани ҳам ўйлаб топибди. Биз жазавали усулларга қаршимиз. Аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари кўрилиши керак, бошқача қилиб айтганда, минтақамизнинг нуфус хусусиятларини эътиборга оладиган «кучли ижтимоий сиёсат» зарур. Ўз камолотининг шу қадар оғир, масъулиятли даврида ўз аҳолисини ҳимоя қила олмайдиган давлатни инсонпарвар давлат деб бўлмайди.

Бизнинг сиёсатимиз — очиқ ва ҳалол. Биз республика халқига ишларнинг аҳволи қандайлигини рўй-рост айтаяпмиз, кўрилаётган чора-тадбирлардан уни мунтазам хабардор қилаяпмиз, қуруқ ваъдалар бермаяпмиз.

Бизда ҳақиқий кўп партиялилик қарор топмоқда. Биз барча сиёсий кучларни амалий ҳамкорликка даъват этдик, республикада қулай халқчил макон яратдик, Хилма-хил нуқтаи назарларни, шу жумладан, муқобил фикрларни ҳам эътиборга олаяпмиз. Айни вақтда биз айрим кучлар-

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Р. Р. Ражабовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Ўртоқ Раҳим Ражабович Ражабов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 12 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ў. Т. Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуротович Султонов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 12 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби лавозимини тугатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби лавозими тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 12 декабрь.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш, ёшлар сиёсатининг асослари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, монополияни чеклаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров сўзга чиқди.

(ЎзА).

МИСРГА ТАШРИФ АРАФАСИДА

Ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга қараганда, Миср пойтахтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Жумҳуриятига расмий ташрифи 15 декабрь куни бошланиши эълон қилинди, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдураззоқов Қоҳирада шу ҳақда маҳаллий матбуотга маълум қилди.

У. Абдураззоқов Миср Ташқи ишлар вазири Амир Мусо билан суҳбатлашгандан сўнг Ўзбекистон ушбу ташрифга алоҳида эътибор бераётганини, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммоси долзарб эканини айтди ва Фаластин масаласи адолатли ҳал этилишидан бутун минтақа халқлари манфаатдор эканига диққатни қаратди. Вазирнинг фикрича, Босния ва Герцеговинадаги уруш ҳам халқаро ҳамжамият қарорлари асосида зудлик билан тўхталиши керак.

Миср ташқи ишлар вазири Амир Мусо Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср Араб Республикасига биринчи расмий ташрифи мамлакат Президенти Ҳусний Муборакнинг таклифи туфайли ўтаётганини ва сафар чоғида мамлакатлараро иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи бир неча муҳим ҳужжатлар имзоланажагини маълум қилди.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ ҚОМУСИ

УНУТИЛМАС ВОҚЕА

Фарғона вилояти меҳнаткашлари истиқлол қуёши — хаётимиз Асосий қонуни қабул этилганини шодиёналик билан кутиб олдилар. Фарғона мебелсозлик комбинатида ўтказилган йиғилишда сўзга чиққан ишчи ва хизматчилар мустақил Ўзбекистонимизнинг илк Конституцияси халқимиз эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқишига хизмат қилишини якдиллик билан таъкидладилар. Вилоят матлубот жамиятлари уюшмасида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари 35 минг кишилик қишлоқ савдоси ходимлари номидан ўз дил сўзларини республика Президенти И. Каримов ва Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошевга йўллаган табрик телеграммасида изҳор этдилар.

Фарғона давлат дорилфунунида, пойабзал фабрикасида, ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа меҳнат жамоаларида ҳам республикамиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеага бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

ҚУЁШГА ЎХШАТГИМ КЕЛАДИ

Ҳозир Қорақалпоғистоннинг қаерида бўлманг, ўзаро суҳбатлар мавзуи мустақил Ўзбекистон биринчи Конституцияси ҳақида эканининг гувоҳи бўласиз. Халқнинг шукронаси бисёр. Ҳаяжонланмай бўладими, ахир! Бу тарихий ҳужжат халқимизнинг бугуни ва келажагини белгилаб берадиган бахт қомуси-ку!

— Асрлар бўйи бир заминда яшаб, бир дарёдан сув ичиб, қони-қонига, жонижонига пайванд халқларимиз, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рисгул Уснатдинова. — Бизнинг ўтмишимиз ҳам, ҳозирги кунимиз ҳам, келажагимиз ҳам туташ. Шунинг учун халқимиз орзу-тилакларини мужассамлантирган Қомус қабул қилингани биз, қорақалпоғистонлик ўқитувчиларни ҳам беҳад қувонтирди.

Ишончим комилки, янги Конституция халқимизни, айниқса ёшларни она Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади. Биз, зиёлилар Асосий Қонуннинг ҳар бир сатри мазмунини одамлар қалбига етказишимиз лозим.

Мен янги Конституцияни қўёшга ўхшатгим келади. Барча ҳамкасбларимни Ўзбекистон давлатининг бахт Қомуси қабул қилингани билан табриклайман. Энг олий тилагим шуки, у Ўзбекистон халқига дунё тургунча хизмат қилсин.

ФАХРИЙЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШМОҚДА

Уруш ва меҳнат фахрийларининг кўп минг кишилик сафлари Олий Кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган кенгаши қарорларини, унда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини, Президент И. А. Каримов ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатни маъқуллади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти фахрийлар ташкилотлари фаолларининг митингида шу ҳақда гапирилди. Жамиятни демократлаштириш, республика раҳбариятининг иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган йўли тўла қўллаб-қувватланди. Фахрийлар барча фуқароларни юксалган давлатни барпо этишда ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшишга даъват этдилар.

Фахрийлар, ёш авлодни байналмилаллик, меҳнатсеварлик, мустақил республика халқининг маънавий қадриятлари руҳида тарбиялаш учун ўз кучимиз, тажриба ва билимимизни аямайлик, деб ишонтирдилар.

«ТЕХНОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА МИТИНГ

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари 11 декабрь куни бўлган митингда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўтган сессияси натижаларини якдиллик билан маъқулладилар. Митингда сўзга чиққан кишилар халқ нойблари қабул қилган мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясидан чуқур қониқиш изҳор этдилар. Бу асосий ҳужжатда халқнинг республика аҳолиси барча табақаларининг Ўзбекистон диёрида демократик ҳуқуқий давлат қуриш тўғрисидаги орзу-умидлари акс этгани таъкидланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

I БОБ.

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1-модда. Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

2-модда. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

II БОБ.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

7-модда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

8-модда. Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

9-модда. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

10-модда. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

III БОБ.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

16-модда. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

IV БОБ.

ТАШҚИ СИЁСАТ

17-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V БОБ.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

VI БОБ.

ФУҚАРОЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъий назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

VII БОБ.

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

VIII БОБ.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

33-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

IX БОБ.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

38-модда. Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

X БОБ.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

46-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

XI БОБ.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

47-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

48-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

51-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII БОБ.

ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

54-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

XIII БОБ.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

56-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

57-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

58-модда. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

59-модда. Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

60-модда. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

61-модда. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

62-модда. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

XIV БОБ.

О И Л А

63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

65-модда. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

XV БОБ.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

67-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XVI БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

68-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

69-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

XVII БОБ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

70-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

71-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

72-модда. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

73-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

74-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

75-модда. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

76-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий даврий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

77-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдига қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

78-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

КОНСТИТУЦИЯСИ

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

79-модда. Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

80-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

81-модда. Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

82-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

83-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

84-модда. Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Олий Мажлис депутатлари учдан икки қисмидан иборат кўпчилигининг яширин овоз бериши орқали муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

85-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

1) Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

2) Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни қўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда тайёрлайди;

3) Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;

4) Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

5) қонунларнинг ва олий мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

6) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

7) Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

8) қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

10) Олий Мажлис матбуот органлари низомларини ва таҳрир ҳайъати таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

11) Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради.

86-модда. Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади.

87-модда. Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар қопланади. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

88-модда. Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

XIX БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

90-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

91-модда. Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

92-модда. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

93-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

11) вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

12) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

13) республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;

14) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътиборини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

15) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

16) республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларининг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

17) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади;

18) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

19) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

20) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этади;

21) миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

94-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

95-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

96-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлиснинг фавқулодда йиғилишида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

97-модда. Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

XX БОБ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

98-модда. Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XXI БОБ.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

99-модда. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

100-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

101-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил.

102-модда. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

103-модда. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

104-модда. Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

105-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XXII БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ

106-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

107-модда. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

108-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

109-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

110-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

111-модда. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

112-модда. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўлолмайдилар.

Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

113-модда. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

114-модда. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

115-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

116-модда. Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIII БОБ.

САЙЛОВ ТИЗИМИ

117-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIV БОБ.

ПРОКУРАТУРА

118-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

119-модда. Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати—беш йил.

120-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзолиқни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

121-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий—тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

XXV БОБ.

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

122-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул—кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

123-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

124-модда. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

XXVI БОБ.

МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

125-модда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

126-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

127-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмдан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

128-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

* * *

1992 йил 8 декабрь, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Мисрдаги «Ал-Аҳром» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

(Давоми. Боши биринчи бетда).

нинг ўз фикрини зўрлик билан ўтказиш, ҳақ гапни фақат биз айтамиз қабилида иш кўриш йўлидаги уринишларга қатъиян қаршимиз.

Биз Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул этилганини жуда муҳим воқеа деб ҳисоблаймиз. Уни ишлаб чиқишга олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик жалб қилинди. Бизнинг тарихий воқеликларимизга, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга, тафаккуримизга мос келадиган ҳамма жиҳатлардан фойдаланилган.

Давлат ҳокимиятининг соҳиби халқдир. Ҳокимият идоралари фаолиятининг натижаларига баҳо берадиган бош ҳакам ҳам халқнинг ўзидир. Тарихнинг шу масъулиятли босқичида халқ ўз тақдирини бизга ишониб топширди, бинобарин, биз унинг ишончини оқлаш учун ҳамма ишни қилаяпмиз.

Савол:

— Жаҳон уруши йилларида сизнинг республикангиз кўпгина қочоқлари, болаларни бағрига олгани маълум. Республика кўп миллатлидир. Миллатлараро тотувлик ва тинчликни сақлашга қандай қилиб эришаяпсиз?

Жавоб:

— Ўзбеклар ҳеч қачон миллий адоватга берилган эмас. Азал-азалдан бу саховатли диёрда турли-туман халқларнинг вакиллари тинч-тотув яшаб келганлар. Холис ният билан келган ҳамма кишилар бизнинг аждодларимиз билан ёнма-ён яшаб, Оллоҳ инъом этган ягона Қуёш остида муносиб ҳаёт кечиришдек абадий ҳуқуқдан баҳраманд бўлаверганлар. Хуллас, элимизда кўпмиллатлилик жуда чуқур томир ёйган.

Ҳозир 120 миллат фуқаролари Ўзбекистоннинг 22 миллионли халқини ташкил этиб турибди. Уларнинг ҳаммалари тенг ҳуқуқларга ва тенг имкониятларга эгадирлар. Бизда қабул этилган қонунлар ёки фармонлардан биронтаси аҳолининг фуқаролик ва миллий ҳуқуқларини камситмаслигини ишонч билан айта оламан. Биз ҳақиқий кўпмиллатлилик учун пишиқ-пухта ҳуқуқий негиз яратдик, бу негиз республиканинг янги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди. Унинг моддаларидан бирида: «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб ёзиб қўйилган. Асосий қонунимизнинг барча бўлимларига миллий тенг ҳуқуқлилик ва бирлик ғояси сингдириб юборилган.

Сиёсий барқарорликни, фуқароларнинг бирлигини ва миллатлараро тотувликни сақлаб қола олсаккина, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз салоҳиятига яраша муносиб ўрин олишини таъминлашимиз мумкинлигига аминман (ҳаётдаги қатъий фикрим ҳам мана шу). Биз шу қоида асосида ҳар қандай қийинчиликлар ва муаммоларни ҳал эта оламиз ва, аксинча, агар умумий хонадонимизда ким қайси миллатга мансублиги, ким яхши-ю, ким ёмонлигини суриштиришга киришсак, «барака» деган маънодор тушунча дарҳол йўққа чиқади, бошимизга кулфат тушади.

Халқнинг бир-бири билан талашадиган нарсаси йўқ. Турли-туман муттаҳамлар ва сиёсатбозлар миллий масалани рўкач қилиб, ундан фойдаланиб қолмоқчи бўладилар.

Одамлар миллатлараро муҳоҳифлик нақадар хатарли ва ҳалокатли эканини тушунадилар, турли минтақаларда минглаб гуноҳсиз кишиларнинг ёстиғини қуритган аччиқ, ғожиали можаролардан хулоса чиқариб оладилар.

Биз республикада яхши маънавий-руҳий муҳитни вужудга келтиришга зўр бериб интиляпмиз. Бу ҳақда ҳамма: давлат идоралари, сиёсий фирқалар, оммавий ахборот воситалари, зиёлилар, меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ғамхўрлик қилишлари керак.

Давлат ҳар бир киши ўз тарихини ўрганиши, она тилини, маданиятини ривожлантириш, ўз халқининг урф-одатлари ва анъаналарига риоя этиши учун шароит яратади ва кафолатлар беради. Республикада 63 та миллий-маданий марказ тузилган. Зарурат бўлган жойларда турли миллатларнинг тилларида мактаблар синфлар, ўқув юртларининг факультетлари ва бўлимлари бор.

Ҳамма масалалар шовшувсиз, эҳтиросларга берилмай ҳал қилинмоқда. Келгусида ҳам шундай бўлаверади. Биз ҳаммамиз битта умумий оиланинг аъзоларимиз, бинобарин ҳаммамиз осойишталик ва тотувликдан манфаатдормиз.

Савол:

— Миср пахтакор давлатлардан биридир. Мазкур тармоқ мутахассислари Ўзбекистонга бир неча бор келиб кетишган, сизнинг мутахассисларингиз ҳам Мисрга бориб келишган. Бу соҳада қандай ҳамкорлик қилинади, деб ўйлайсиз?

Жавоб:

— Дарҳақиқат, Миср Африка қитъасининг етакчи пахтакор давлатларидан бири, ғоят қимматбаҳо ингичка толали пахта навини кўплаб етиштиради. Сизнинг уруғшуносларингиз етиштирган «Гиз» толасининг юксак технология хусусиятлари туфайли кўпчиликка манзур.

Биз ўртача толали навлар билан бир қаторда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида шу тоифага мансуб ғўза навларини ўстираяпмиз ва пахта етиштираяпмиз. Пахтачилик ривожининг кўп асрлик тарихи мобайнида биз ана шу қимматбаҳо экинни етиштириш соҳасида биргаликда жуда катта тажриба тўплаганмиз.

Шу сабабли мутахассисларимиз тез-тез учрашиб турсалар жуда яхши бўлур эди, улар пахта етиштириш технологиясида, уруғчиликни ривожлантиришда, янги навларни айирбошлашда, ғўзани зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда бир-бириларига айтадиган ва кўрсатадиган ишлари бор, деб ҳисоблайман. Бундай қилиш иккала томонга ҳам фойдали бўлур эди.

Савол:

— Сизнинг МДҲга муносабатингиз қандай ва Ўзбекистон Совет Иттифоқи бойликларини собиқ СССР республикалари ўртасида тақсимлаш тарафдорими?

Жавоб:

— Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида вужудга келган ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий алоқаларни дабдурустдан рад қилиб, бирданига узиб ташлаб бўлмайди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги бизга мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг жаҳон тажрибасидан ҳамма қабул этган маърифий шаклларини сақлаб қолиш, бизнинг миллий давлатчиликни тиклаш, бенҳояя қийин ижтимоий-иқтисодий тангликдан қутулиш соҳасидаги саъй-ҳаракатларимизни бирон-бир тарзда мувофиқлаштириб туриш имконини беради. Ўйлайманки, МДҲ доирасида биз мустақил, суверен давлатлар сифатида собиқ СССРнинг мол-мулкини одилона тақсимлашни ҳал этишнинг ўзаро мақбул йўлларини ҳам топа оламиз, чунки бу мол-мулкни барпо этишда Иттифоққа кирган барча республикалар қатнашган эдилар.

Савол:

— Ўзбекистоннинг Туркия билан муносабатлардан кўпроқ манфаатдорлиги намоён бўлаётганининг асосий сабаблари нималардан иборат?—биз бу муносабатлар равнақ топишига тилакдошмиз. Ўзбекистон қайси соҳаларда Туркия билан ҳамкорлик қилмоқда?

Жавоб:

— Биринчидан, Ўзбекистон билан Туркияни маданият, тил, тарих, дин муштараклиги боғлаб турибди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дунё мамлакатлари орасида Туркия биринчи бўлиб бизнинг суверенитетимизни тан олди.

Иккинчидан, Туркияда кейинги 8—10 йил мобайнида шаклланаётган иқтисодий модел, хўжалик қурилишининг мақсад ва қоидалари бизни қизиқтирмоқда.

Учинчидан, ўз дини анъаналарини ҳурмат қилиш билан бирга, Туркия ижтимоий муносабатлар нисбатини бузмаган ҳолда дунёвий давлат барпо эта олди.

Мана шуларнинг ҳаммаси бизга «турк модели»га хайрихоҳлигимиз ҳақида гапириш имконини берди. Аммо биз ундан асло кўр-кўрона нусха кўчирмоқчи эмасмиз, балки табиийки, ўзимизнинг бетакрор хусусиятимизни, маҳаллий анъаналаримиз ва шарт-шароитимизни эътиборга олиб, Ўзбекистон учун энг мақбул жиҳатларини ўрганиб олмоқчимиз.

Буларнинг ҳаммасидан ташқари Туркиянинг Осиё билан Европа оралиғида қулай жуғрофий жойлашганлиги ва дўстона муносабатларимиз туфайли Ўзбекистон дунёнинг турли мамлакатлари билан савдо-сотиқни ривожлантириши мумкин бўлади. Туркия портларидан фойдаланиш ва юкларни шу мамлакат ҳудуди орқали олиб ўтиш иккала мамлакатнинг ҳам импорт, ҳам экспорт молларини ташиш муаммоларини ҳал қилишни анча осонлаштиради.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги аниқ-равшан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик учун эса ўтган йил мобайнида дурустгина ишлар бошлаб қўйилди. Туркия Ўзбекистонга ярим миллиард Америка долларидан ортиқ миқдорда узоқ муддатли қарз берди.

Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқларида, асосан, қурилиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, пахтани қайта ишлаш, турли-туман тўқимачилик маҳсулотлари, чарм буюмлар ишлаб чиқариш, янги олис алоқа тармоқларини вужудга келтириш ва мавжуд тармоқларни такомиллаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда 20 тадан кўпроқ қўшма корхона барпо этилди.

Маҳаллий, енгил, тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида кон-ундирма саноати ва нефть-газ конларидан фойдаланиш соҳасида бир қанча лойиҳаларни амалга оширишга доир шартномалар тузилди ёки улар қиёмига етказилмоқда.

Ўзбекистон — Туркия банкини ташкил қилиш ҳақида битимга эришилди. «Ипак йўли» деб аталган қўшма юк ташиш-экспедиция корхонаси барпо этилди, у иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг умумий мажмуида муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқ таълими, маданият, илм-фан, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик узлуксиз ривожланмоқда.

Тошкентда ва Анқарада икки мамлакатнинг элчихоналари очилганлиги ҳамда Тошкент билан Истанбул ўртасида мунтазам тайёралар қатнови йўлга қўйилганлиги бунга кўмаклашмоқда.

Савол:

— Ўзбекистонда очилган нефть кони республиканинг катта бойлигидир. Бу кон ёқилғи танглигидан қийналаётган давлатларга ва шу жумладан, МДҲ мамлакатларига қандай наф беради?

Жавоб:

— Ҳа, биз бу масалада бошқа мамлакатларга қарамлик машаққатини енгиллаштирадиган янги ёқилғи ашёлари имкониятларини излаяпмиз. Очилган конлардан фойдаланишда, янги конларни излашда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

Ўзбекистонда XXI асрга кучли, тараққийпарвар давлат бўлиб кириш учун жамики ҳақиқий имкониятлар бор. Бизнинг табиий-иқлим ва минерал хом ашё шароитларимиз яхши. Ишлаб чиқариш ва илму зиё салоҳиятимиз қудратли, ишчи кучларига боймиз. Биз миллий бойлигимизнинг мана шу барча таркибий қисмларини энг мақбул тарзда бир бутун қилиб бирлаштириш, халқнинг муносиб турмушини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий омилни барпо этиш учун зўр ғайрат билан ишлаяпмиз.

Ўзбекистоннинг эшиги дўстлар ва барча холис ниятли кишилар учун очиқдир. Дунёдаги ҳамма мамлакатлар билан шерикчилик, дўстлик, ҳамкорлик, ички ишларга аралашмасликни миллатлар ҳамжамияти билан алоқаларни янада муваффақиятли мустаҳкамлашнинг, тинчлик, барқарорлик, тотувликни қарор топтириш учун қулай шароит яратишнинг гаровидир, деб биламиз.

Шу мавриддан фойдаланиб «Ал-Аҳром» газетасининг муштарийларига, дўстона мамлакатингизнинг барча аҳолисига энг яхши тилакларимни йўллайман. Ҳонадонларингизда ҳамиша осойишталик, маъмурчилик, сиҳат-саломатлик барқарор бўлсин. Сизларга ва фарзандларингизга бахт-саодат ёр бўлсин!

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

12 декабрь куни Гулистон шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда тащкилий масала кўриб чиқилди. Ғ. Б. Ҳасанов Ўзбекистон давлат сув хўжалиги қурилиши концерни бошқарувининг раиси этиб тасдиқланганини муносабати билан Гулистон шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинди. Илгари Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган А. П. Абдуллаев Гулистон шаҳар ҳокими этиб сайланди.

Гулистон шаҳар Кенгашининг сессиясида вилоят ҳокими Б. Маҳмудов нутқ сўзлади.

А. УМАРОВ.

ҚИШЛОҚҚА «ЗАНГОРИ» ОЛОВ КЕЛДИ

● Уроқчитепа қишлоғи Жалолқудуқ райони марказига туташиб кетади. Қишлоқ аҳолисининг аксарияти ўтмишда Уроқчилик билан кун кўрган. Ушандан бери қишлоқнинг номи Уроқчитепа деб аталади. Ана шу қишлоққа «зангори олов» келтирилди.

Қишлоқ фаоллари табиий газ келтириш учун кўп югурдилар. Олти ярим километр газ қувури пайванд қилинди. Унга салкам 11,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Райондаги Амир Темур номли, «Пахтакор», «Иттифоқ» жамоа хўжаликларида ҳам юзлаб хонадонларга ҳам табиий газ кириб борди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ АНЖУМАН

● Урганчда етакчи театр-шунос ва санъатшунос олимлар иштирокида бўлиб ўтган илмий-ижодий анжуман Огаҳий номидаги вилоят давлат мусиқали драма ва комедия театри ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишланди.

Иқтидорли жамоанинг жумҳурият театр санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси алоҳида таъкидлаб ўтилди. Санъаткор диёрнинг драма асарлари намойиш этиладиган бош саҳнасида ана шу йиллар ичида 500 дан ортиқ пьеса тамошабинлар эътиборига ҳавола қилинган, бири-биридан ҳаётий бу асарлар кўп сонли муҳлисларнинг самимий олқишига сазовор бўлган эди.

Э. МАДРАҲИМОВ.

• Бир хат изидан •

ЖОНИБЕКОВ НАЖОТ ИЗЛАЙДИ...

«Ҳурматли муҳарририят!

Ушбу мактубни ёзишга мажбур бўлдим. 16 йилдан бери ногирон қалбимда йиғилиб қолган ғам-андуҳларимни ёзишга жазм этдим. Уруш йиллари жанггоҳ ортидагиларнинг қандай меҳнат қилганлигини ҳамма билади. Декабрь ойининг охиларигача кўрак териб, кечаси олов ёруғида чувиб, тонгда пахтасини давлатга топширганмиз. Пўстакдан тикилган чориқ кийиб, ёмғирда дала кезганман. 1946 йили тўсатдан оёқларим ёзилмай, тўшакда «михланиб» қолдим. Фақат уч йилдан сўнг дўхтирларнинг кўп саъй-ҳаракатидан сўнг қўлтиқтаёқда юрадиган бўлдим. 1-гуруҳ ногиронига айландим. Кўрган азоб-уқубатларимнинг чеки йўқ. Аммо мен донмо умид билан яшадим. Тошкент Халқ хўжалиги институтини тугалладим. 1976 йилдан бери Дўстлик районида яшаб, 1991 йилгача меҳнат қилдим. Энди эса... шарт-шароитим ишлашга имкон бермаяпти, турарга уйим йўқ. Мутасаддилар эса бирор хонали, ногирон учун қулай уй беришни лозим кўришмаяпти... Аксинча қуруқ ваъдалар билан оворaю-сарсон қилаяпти. Рости, маънавий азоблар ҳаммасидан ошиб тушаяпти...».

Биринчи гуруҳ ногирони Ҳайдар Жонибековнинг 14 вараққа ёзган дард-ҳасратларини ўқиб чиққан ҳар қандай дийдаси қаттиқнинг ҳам кўзи намланиши шубҳасиз. Энг муҳими, у бўлиб ўтган воқеаларни рўйи рост, қўшимчаларсиз ёзган. Дўстлик шаҳар кенгаши ижроия қўмитасидаги айрим масъул ходимлардек масалани чалғитишга, ўзгаларни ноҳақ айблашга уринмаган. Биз бунга шикоят хатида кўрсатилган далилларни ўрганиш жараёнида тўла амин бўлдик.

Тўғри, Ҳайдар Жонибековга кўп оворагарчиликлардан сўнг 1982 йилда, у кишининг айтишларига қараганда, «шахсан Шароф Рашидовнинг аралашуви ёрдами билан» бир хонали уй беришган.

Аммо темир-бетондан қурилган, иситиш тармоқлари, канализацияси ишламайдиган хонада яшай бошлагач, тез-тез дардга чалинган. Шу тариқа яна икки йил тўшакдан турмаган. Бу орада унинг уйида Тошкент тиббиёт институтини битириб йўлланма билан ишга келган жияни — Раъно Жонибекова яшай бошлаган. (Дарвоқе, Раъно ҳозир ҳам турмуш ўртоғи, икки нафар фарзанди билан ўзларига расмийлаштирилган шу уйда истиқомат қилаяпти). 1-гуруҳ ногирони Ҳ. Жонибеков яна уй-жойсиз деярли кўчада қолди, Ахир бир хонали уйда неча жон—неча оила яшаши мумкин?

— Соғайгач ошна-оғайниларнинг паноҳида юрдим, — дейди. — 1987 йили район ижроқўмига имтиёзли уй беришларини сўраб ариза бердим. Олдинги уйим тақдирини эслатдим. Ўша уйдаги ҳаётимни ўйласам, юрагим зирқирашини тушунтирдим. 1988 йилда берамиз, дейишди. Бермадилар. 1990 йилда битказиладиган янги «дом»лардан бир хонали олишимга ишонтиришди. Аммо «Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади» деганларидек, менга ваъда қилишган уйга бошқа биров кириб олди. Шаҳар ижроқўмидагилар «уйга кирган кишини чиқаришга ҳаққимиз йўқ» дейишгач, «чучварани хом санаб юрганим»ни билдим.

У яна кутди. Бир кун акасиникида тунаса, бошқа куни «ука» излади. Районда нажот сўраб мурожаат қилмаган кишиси қолмади ҳисоб. Шаҳар раҳбарлари эса эса ваъдадан нарига ўтишмади. Икки гапнинг бирида жиянига «бериб қўйган» хонасини юзига солишди. Жорий йил бошида эса ниҳоят фойдаланишга топширилаётган уйнинг икки хонасига ордер олди. Одамлар ҳали тўла битказилмаган хоналарнинг эшик-деразаларига пардалар тута бошлагач, у ҳам шаҳар кенгаши раиси Қоржов Сулеймоновга бориб, янги уйнинг калитини сўради. Илгари бир неча марта «оғзи куйгани»ни эслатиб, хонани очиб беришни илтимос қилди. Раис кўнмади. «Бирор кор-ҳол рўй берса, мен жавоб беришим керак», деб оёқни тираб олди. 10 май куни ўша уйдан хабар олишга келган Ҳ. Жонибеков хонада ҳангома қилиб ўтирган бегона кишиларни кўриб анграйиб қолди.

— Бу уй дон маҳсулотлари корхонасига қарашли, дейди шаҳар кенгаши раиси Қ. Сулеймонов биз билан суҳбатда. — Шунинг учун ҳам хонага кириб олган кишиларни чиқариб юборолмадик.

— Илгаригиси-чи?

— Бизда қурилиш учун маблағ бўлмагач, «Сельхозхимия» районларараро ишлаб чиқариш бирлашмаси янги қурилган уйларни сотиб олганди. Шу боис Ҳ. Жонибековга уйсиз қолди.

Нақотки кейинги 5—6 йил мобайнида биринчи гуруҳ ногирони, эл-юрт-озодлиги йўлида иккала оёғидан ажраган, умрининг кўп қисми касалхоналарда ўтаётган, олий маълумотли мутахассисга атиги бир хонали уй ажратиб бериш шунчалар мушкул бўлса?

Шаҳар кенгаши раиси Қ. Сулеймонов ва унинг ўринбосари вазифасини бажараётган А. Раҳимовнинг бетайин эътирозлари, тутуруқсиз баҳоналаридан уларнинг бу тўғрида умуман бош қотиришга хушлари йўқлиги кўриниб турарди. Таажжубли томони шундаки, бу икки раҳбар кичкинагина шаҳар ҳудудида кимлар яшаётганлигини, уларнинг шарт-шароитларини аниқ билишмайди. Шаҳар кенгашидагилар сўнгги уч йил мобайнида фойдаланишга топширилган уйларда истиқомат қилаётган фуқаролар ҳақида бирор тайинли маълумот кўрсатишолмади. Жамоаларнинг хусусий уйларида яшаётганлар учун шаҳар кенгаши жавобгар эмасмиш. Худди шундай лоқайдлик, бепарволиклар оқибатида фойдаланишга топширилаётган уйлардан қурувчилар, шаҳар кенгаши ўзига тааллуқли фондини ололмаётганга ўхшайди.

Юқорида раҳбарлар ҳақида келтирилган фикрни тасдиқлаш учун яна далиллар келтирамиз. 1990 йилда шаҳар кенгашида жами 442 ордер, ўтган йилда 147, жорий йилда эса 192 ордер ёзилган. Тўғри, кимдир ордерини йўқотган, бошқа биров алмаштирган, яна кимдир хусусийлаштирган. Лекин шаҳарга келиб-кетувчилар ҳам кўп. Назаримизда, давлат уйларида яшаб бошқа шаҳарларга, ўз юртларига кўчиб кетаётган фуқароларнинг асосий қисми шаҳар раҳбарлари билан ҳисоблашмайдиган кўринади. Балки улар бошқа маънода ўзаро «ҳисоб-китоб» қилишаётгандир.

Фақат 1992 йилда нисбатан шарт-шароити яхши бўлган бир хонали уйлар учун ёзилган ордерлардан айримларини текшириб кўрганимизда уларнинг кўпчилиги районга анча кеч келган кишиларга ёзилганлигининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, Комсомольская, Ленин, Лермонтов, Горький, Матросов, Комаров кўчаларидаги ўнлаб хоналар Юзбаев, Эргашева, Асқарова, Жумамуродов, Матқобилова, Абдуллаева, Битураев каби фуқароларга берилган. Биз бу билан номлари келтирилган ишчи-хизматчиларга уйлар нотўғри берилган, деган фикрдан йироқмиз. Зарур бўлса, буни аниқлайдиган ташкилотлар бор. Фақат шуни таъкидлаб қўймоқчимизки: шаҳар кенгаши раҳбарлари ўша уйлардан бирортасини Ҳ. Жонибековга бериши мумкин эди-ку?!

— Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ манфаатини кўзлаб қатор фармонлар чиқармоқда, — дейди муаллиф ўз мактубида. — Айниқса, «Ўзбекистон Республикасидаги ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Фармон биз каби кўнгли яримта одамларнинг руҳини анча кўтарди. Хўш, бундай инсонпарварлик Фармонларини жойларда ким амалга ошириши керак?

Маҳаллий ҳокимият! Лекин бунинг ижрочиси кўринмайди. Фармонларнинг қоғоздан амалиётга кўчиши қийин бўлаяпти. Расмиятчилик дардига йўлиққан, жавобгарлик ҳиссидан йироқ амалдорлар ижтимоий адолатни четлаб ўтмоқдалар.

Туриб-туриб ҳайрон қоласан, киши. Кеча бошқа юртлардан келган «бели бақувват» бойваччалар уйли-жойли бўлишади-ю, неча йиллаб навбатда турган мўминбечоралар уй-жой тополмай сарсон. Нима, Дўстлик шаҳрининг дарвозаси йўқми?

Уй-жой тақсимоти бўйича Жиззах шаҳрида ҳам озмунча кўргиликлар юз бердими? Жиззах Сирдарё вилоятининг «оқ пошоси» Александр Клепиков тарафидан забт этилган йилларда ҳам, ундан кейин ҳам кўпгина квартиралар бир кечада «забт» этилди. «Оқ пошшо» чекинди, аскарлари тирқираб кетди ва орқага қайтишди. Лекин забт этилган квартиралар калитини ҳеч ким топширмади... «Шифокор» ширкатининг котежлари ҳам худди ана шундай хомталаш бўлди... Қани адолат? Оддий меҳнаткаш ва жабрдийда, хўрланган ногиронларни ким ҳимоя қилади? Уларнинг додини ким эшитади? Ким? Умуман, Жиззах вилоятида бундай ижтимоий адолатсизликка қачон чек қўйилади?!

«Ўзбекистон овози» бу мавзуга батафсилроқ яна қайтади...

Биринчи гуруҳ ногирони Жонибеков жон қайғусида қиш кўрпасидан бошпана излайди. Бироқ топармикан? Вилоятда турли хил хомталашлар, бўлиштиришлар, таъминотлар, хазиналар тепасида турган каззобларга хаста банданинг арзи-доди етиб борармикан?

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Жиззах вилоятидаги мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР

МУКОФОТГА — ЙЎЛЛАНМА

Андижонда халқ ҳунармандларининг фестивали ўтказилди. Бу ерда ташкил этилган вилоят танловида Йўлбарс Ўтаганов ғолиб чиқди. Мукофот тариқасида унга мусулмонларнинг муқаддас жойларини зиёрат қилиш учун Саудия Арабистонига текинга йўлланма берилди. Фестиваль ҳомийларидан бири — «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Андижон минтақа бўлими шундай мукофотни таъсис этган эди. Й. Ўтаганов андижонлик 88 кишидан иборат гуруҳга қўшилиб, Макка, Мадина ва Жиддани зиёрат қилиш учун жўнаб кетди.

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚИЗИҚАРЛИ

Қимматчилик туфайли олис ўлкаларга саёҳат қилишни хоҳлайдиганлар камайиб кетди. Шу сабабли «Қорақалпоғистон турист» ходимлари яқин жойларда ҳам томоша қилиб, дам оладиган манзиллар мавжудлигини эслаб қолишди. Улар ишлаб чиққан янги маршрут Элликқалъа, Беруний, Тўрткўлнинг тарихий ва меъморий ёдгорликлари, Тупроққалъа, Аёзқалъа, Миздахкон комплекслари ва бошқа диққатга сазовор жойлар орқали ўтади.

[ЎзА мухбирлари].

ҲОДИСА

ХЎРОЗ ЖАНГИ ВА... АЖАЛ

Ҳасанбой қишлоғида қизил мато ўралган бир эмас, тўрт тобут кўтарилди. Фарзанд доғида куйган оналар фарёди юракларни зирқиратди. 25—30 ёшли йигитларнинг дунёдан бевақт кўз юмишига нима сабаб бўлди!

...Шанба куни эди. Тиркагич араваси олиб ташланган «КамАЗ» машинасининг тарақатуруқи қишлоқ тинчини бузди. Уни Қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли бошқарманинг Ҳасанбойдаги устахонасида ишлайдиган Муродилла Убайдуллаев бошқариб борарди. У машинани гараждан рухсатсиз олиб чиқиб кетаётган эди.

Эртаси куни эса Муродилла икки-уч нафар улфатини Кўктеракка хўроз уриштиришни томоша қилишга олиб борди. Қайтишда яна бошқа ҳамқишлоқларини учратиб қолди. Муродилла уларнинг ҳам кабинага чиқиб олишига монелик қилмади. Олти киши бир кабинага жо бўлишди. Шунда машина ҳайдовчига бўйсунмай, ён томондаги ариққа ағдарилиб кетди.

Муродилланинг қилмиши тўрт нафар дўстининг бевақт ўлимига сабаб бўлди. Ўзи эса оғир жароҳатланиб, касалхонага тушди.

П. НИШОНОВ.

• Спорт • Спорт •

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАРДА

⊙ БЕЛОРУС пойтахтида самбо кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида республикамиз полвонлари учта олтин, тўртта кумуш, олтита бронза медалларига эга бўлишди.

Бухоролик Рауф Болтаевнинг чиқишлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. У барча учрашувларни муваффақиятли якунлаб, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди.

⊙ САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА курашнинг шарқона турларидан ҳисобланган таэквондо бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.

Қирғизистон, Латвия, Тожикистон, Украина республикалари ҳамда москвалик полвонлар иштирок этган бу нуфузли мусобақада мустақил Ўзбекистон спортчилари муҳлисларни қувонтиришга ҳаракат қилишди.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

«АВИАБРОК» ФИРМАСИ

Сиз ўз юкингизни тез фурсат ичида ҳаво транспорти орқали қўшни жумҳуриятларга ёки хорижий мамлакатларга элтмоқчимисиз?

Бунинг учун «Авиаброк» фирмасига бир мартагина мурожаат этсангиз бас. Ҳамма муаммоларингиз тезда ҳал бўлади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Полторацкий кўчаси, 73 «б»-уй.

Телефонлар: 54-77-19, 54-92-50.

Факс: 54-77-18.

Телекс: 116492 BROCK SU

Шаҳар марказидан уй ёки квартира СОТИБ ОЛМОҚЧИМАН.

Мурожаат учун телефон: 65-89-78.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти томонидан 1989 йил Азимова Соҳиба Эргашевна номига берилган УВ-I 046077 номерли йўқолган диплом БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Президентнинг матбуот котиби Шавкат Яҳёевга волидаи муҳтарамалари

Муҳаррам ЯҲЁЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» газети жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Ш. Ғ. Яҳёевга оналари

Муҳаррам Аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Табиий фанлар академияси раёсати ЎзФА собиқ президенти, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг рафиқаси

ФОТИМАХОН ОПАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан уларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ректорати ва «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» кафедраси жамоаси, кафедра профессори Ш. К. Каримовга онаси

ШАРОФАТ АЯнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Ҳ. НОСИРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—00.30. Г—512. № 246. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.